

**“MAKTABGACHA TA'LIM
– MAKTAB – OLIY TA'LIM”
KONSEPSIYASI: MUAMMO,
YECHIMLAR VA ISTIQBOLLAR**

XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI

MATERIALLARI

2022-yil, 9-aprel

Buxoro – 2022

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI
BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI
MAKTABGACHA VA BOSHLANG‘ICH TA‘LIM FAKULTETI
BOSHLANG‘ICH TA‘LIM METODIKASI KAFEDRASI**

**MAKTABGACHA TA‘LIM – MAKTAB – OLIY
TA‘LIM” KONSEPSIYASI: MUAMMO, YECHIMLAR VA
ISTIQBOLLAR**

XALQARO ILMIIY-AMALIIY ANJUMANI

MATERIALLARI

2022-yil, 9-aprel

Buxoro – 2022

5. Ситора Давроновна Ниязова, Наргиз Мирходжаева **СОВРЕМЕННЫЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ СТРАТЕГИИ В ДОШКОЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ** // Scientific progress. 2021. №7. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennye-obrazovatelnye-strategii-v-doshkolnom-obrazovanii> (дата обращения: 18.12.2021).
6. Ситора Давроновна Ниязова, Гулбахор Давроновна Ниязова **ФОРМИРОВАНИЕ ОТДЕЛЬНЫХ СПОСОБОВ ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ У ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА НА ЗАНЯТИЯХ «ОЗНАКОМЛЕНИЕ С ПРИРОДОЙ»** // Scientific progress. 2021. №7. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/formirovanie-otdelnyh-sposobov-poznavatelnoy-deyatelnosti-u-detey-doshkolnogo-vozrasta-na-zanyatiyah-oznakomlenie-s-prirodoy> (дата обращения: 18.12.2021).
7. Ситора Давроновна Ниязова, Гулбахор Давроновна Ниязова **ФОРМИРОВАНИЕ ОТДЕЛЬНЫХ СПОСОБОВ ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ У ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА НА ЗАНЯТИЯХ «ОЗНАКОМЛЕНИЕ С ПРИРОДОЙ»** // Scientific progress. 2021. №7. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/formirovanie-otdelnyh-sposobov-poznavatelnoy-deyatelnosti-u-detey-doshkolnogo-vozrasta-na-zanyatiyah-oznakomlenie-s-prirodoy> (дата обращения: 18.12.2021).

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА МАШҒУЛОТ –АСОСИЙ ТАЪЛИМ ШАКЛИ СИФАТИДА

Турдиева Мохира Жўракуловна,

Бухоро давлат университети, Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси
mohira.turdiveva@bk.ru

Шаропова Рушана Расул қизи,

БухДУ, Maktabgacha ta'lim yo'nalishi 14-3MT-20 гуруҳ талабаси

Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларини мактаб таълимига тайёрлашнинг етакчи шакли – таълимий машғулот ҳисобланади.

Болаларга таълим-тарбия беришнинг асосий шакли сифатида машғулотлардан фойдаланиш масаласи Ян Амос Коменскийнинг "Буюк дидактика" асарида айтиб ўтилган ва шундай таърифланган: "ҳаммага ҳамма нарсани ўргатишнинг универсал санъати". Ушбу асарда шунингдек барча турдаги таълимий ишларнинг тақсимланиши ва мазмуни, гуруҳда болаларни ривожлантиришга асосланган дидактик тамойиллар ёритилган. Қолаверса, у биринчилардан бўлиб тизимли тарбия ва таълимнинг бошланиши мактабгача ёшда экани ҳақидаги ғояни илгари сурган, мактабгача ёшдаги болаларни ўқитиш мазмунини ишлаб чиққан ва "Оналар мактаби" педагогик асарида уларни белгилаб берган.

К.Д. Ушинский болаларни гуруҳда ўқитишнинг дидактик тамойилларини психологик жиҳатдан ишлаб чиқди ва асослаб берди. К.Д. Ушинский, мактабгача таълимнинг вазифаси ақлий кучни ривожлантириш (фаол эътибор ва онгли хотирани ривожлантириш) ва болаларни сўзлашга ўргатиш, мактабга тайёрлашдан иборат деган ғояни илгари сурди. А.П. Усова гуруҳда тизимли ўрганиш мактабгача ёшдаги болалар билан таълим ишининг муҳим воситасидир деган фикрни ёқлади. Йигирманчи асрнинг биринчи ўн йилликларида А.П.Усова болалар учун машғулотларда фронтал таълимни етакчи шакл сифатида илгари сурди.

Ҳозирги вақтда машғулотларни турли жиҳатлар бўйича такомиллаштириш давом этмоқда: таълим мазмуни кенгаймоқда ва мураккаблашмоқда, турли хил фаолият турларини интеграциялашган ҳолда ташкил этиш, ўқув жараёнига ўйинларни киритиш усуллари ва янгиларини излаш шакллари амалга оширилмоқда. Болаларнинг бутун гуруҳи билан фронтал гуруҳлардан кичик гуруҳларга ўтишни тобора кўпроқ кузатиш мумкин. Ушбу тенденция – билим ва амалий кўникмаларни ўзлаштиришда болалар ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, болаларга индивидуал ёндашиш таълим сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Шунингдек, "Илк қадам" давлат ўқув дастурида белгиланганидек, фронтал машғулотлар билан биргаликда ҳар бир ёш гуруҳида марказлардаги таълимий фаолиятни олиб бориш болаларда индивидуал ривожланиш ва ижодий қобилиятларини шакллантириш воситаси бўлиб, муваффақиятли амалиёт сифатида МТТларда қўлланилмоқда.

Ўқитишни ташкил этиш шакли – тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг маълум тартибда ва белгиланган режимда амалга ошириладиган биргаликдаги фаолияти саналади.

Анъанавий тарзда машғулотни ташкил этишнинг қуйидаги шакллари ажратилади:
фронтал, кичик гуруҳли ва индивидуал.

Таълимни ташкил этишнинг ушбу шаклларида таълим мазмуни ва талабига кўра, педагог маҳоратига қараб, фойдаланиш вазиятини ўзи белгилайди.

Мактабгача таълим ташкилотида алоҳида қобилиятли болалар билан ишлашда индивидуал иш ташкил этиш педагогдан алоҳида масъулият талаб этади. Шу билан бирга бу қобилиятли болаларнинг нимага қизиқиши, иқтидори ва қобилиятлари, уларни ривожлантириш бўйича хулосага келишига ва ота-оналар билан ҳамкорликда ишлаш режасини ишлаб чиқишига ҳам асос бўлиб хизмат қилади.

Машғулотларни ташкил этиш методикаси

Тарбиячи таълим дастурида белгиланган машғулотларни олиб бориш учун аввалдан тайёргарлик кўради, тайёргарлик кўриш давомида амалга оширилиши керак бўлган дастур мазмунини белгилайди.

Ҳар қандай машғулотда умумий мазмун ва методология билан узвий боғлиқ бўлган учта асосий қисм мавжуд, хусусан:

Машғулотнинг бошланиши, бориши (жараён) ва якуний қисм.

Машғулотнинг ташкилий қисми жараёни тўғридан-тўғри ташкил этишни ўз ичига олади: режалаштирилган таълимий фаолиятга қизиқиш уйғотиш, тегишли ҳиссий кайфиятни яратиш, мотивация бериш ва ўқув вазифасини очиш керак. Ҳаракат усуллари тушунтириш ва кўрсатиш асосида бола элементар режани тузади: у ўз-ўзидан қандай ҳаракат қилиши керак, топшириқни қандай кетма-кетликда бажариши керак, қандай натижаларга интилиши кераклиги ҳақида тасаввурларга эга бўлади.

Машғулотнинг бориши (жараёни) болаларнинг қисман мустақил ва ақлий ёки амалий фаолияти бўлиб, у ўқув вазифаси билан белгиланадиган билим ва кўникмаларни ўзлаштиришдан иборат. Ушбу босқичда ҳар бир боланинг ривожланиш даражаси, идрок этиш тезлиги ва тафаккурининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ кичик гуруҳлар, турли технологиялар ва методлар орқали машғулотлар ўзаро мувофиқлаштирилади. Агарда умумий берилган топшириқларни бажариш жараёнида болалар хатоликка йўл қўйган тақдирда, жамоавий тарздаги тушунтириш ишлари ташкил этилади.

Тез ва осон ёд оладиган, диққатли, таҳлил қила оладиган, ўз ҳаракатларини, натижаларини тарбиячининг кўрсатмаси билан таққослайдиган қобилиятли болаларга минимал ёрдам кўрсатилади. Қийинчилик бўлса, бундай болага маслаҳат, эслатма, йўналтирувчи савол бериш керак бўлиши мумкин. Тарбиячи ҳар бир тарбияланувчига фикрлаш имкониятини беради, қийин вазиятдан чиқиш йўлини мустақил равишда топишга йўналтиришга ҳаракат қилади. Бу эса болалардаги ижодий қобилиятларни ривожлантириш муҳитини яратади. Педагог ҳар бир боланинг ўз ютуқларини кўрсатадиган, ўрганганларини намоиш эта оладиган натижага эга бўлишини таъминлашга интилиши керак.

Машғулот якуни болаларнинг таълимий фаолият жараёнида ўрганган натижаларини умумлаштириш ва баҳолашга бағишланган босқич ҳисобланади. Олинган натижанинг сифати болаларнинг ёши ва индивидуал хусусиятларига, педагог маҳоратига, таълим вазифасининг мураккаблигига боғлиқ бўлади.

Машғулотнинг қисмларига, машғулотнинг мақсадларига қараб, машғулотнинг ҳар бир қисмини ўтказиш методикаси ҳар хил бўлиши мумкин. Хусусий усуллар машғулотнинг ҳар бир қисмини ўтказиш учун аниқроқ тавсиялар беради. Машғулотдан сўнг тарбиячи унинг самарадорлигини, болалар томонидан дастурий вазифаларни ўзлаштириш сифатини таҳлил қилади, кейинги жараёнларнинг истиқболини белгилайди.

МТТдаги гуруҳлар таркибида билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилишини текшириш ва баҳолаш тажрибаси мавжуд эмас. Ушбу текшириш болаларнинг гуруҳдаги фаолиятини кузатиш, таълимий жараён натижаларини таҳлил қилиш, ютуқларини махсус ўрганиш шаклида амалга оширилади.

Таълимий машғулотлар – бир вақтнинг ўзида бир нечта вазифалар ҳал қилинадиган мураккаб жараён бўлиб, қуйидаги қисмларни ўз ичига олади:

1. Илгари олинган билим ва кўникмаларни такрорлаш (кириш)
2. Янги билим, малакаларни ўзлаштириш (асосий қисм)
3. Билим ва кўникмаларни ижодий қўллаш (мустаҳкамлаш)

Таълимий фаолият бир вақтнинг ўзида бир нечта дидактик вазифаларни (билим, кўникма ва ижодий қобилиятларни ривожлантириш ва бошқаларни тизимлаштириш) ҳал қилишга қаратилган мураккаб вазифаларни бажаради.

Ҳар бир машғулот дастурига қуйидагилар қиради:

- мавзунинг ўзига хослиги, мазмунан бир-бирига боғланишлари, таълимий фаолият усуллари ва бошқалар, уларни бирламчи ўзлаштириш, ривожлантириш, мустаҳкамлаш, умумлаштириш ва тизимлаштириш;

- янги билимларни ўргатишдаги амалий кўникма ва малакалар ҳажми;

- таълимий фаолият, уларни дастлабки шакллантириш ёки такомиллаштириш, қўллашда машқ қилиш учун зарур бўлган кўникма ва малакалар ҳажми;

- болаларда воқеа ва ҳодисаларга, ушбу машғулотда тушунтириладиган ва ўзлаштириладиган билимларга муносабатини шакллантириш, ўз фаолиятига муносабатни тарбиялаш, тенгдошлари билан ўзаро муносабатларни ўрнатиш.

Ҳар бир машғулотдаги таълим мазмуни миқдори турли ёшдаги болаларнинг хотираси ва эътиборининг ҳажмини, уларнинг ақлий қобилиятлари имкониятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Машғулотнинг самарадорлиги кўп жihatдан унинг қанчалик ҳиссий жihatдан ўтишига ҳам боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, тарбиячи қайси материал ва маълумотни қандай беришнигина эмас, балки ушбу материал ва маълумотларни болаларнинг шахсий тажрибаси билан қандай ўхшашлигини ҳам ҳисобга олиши керак.

Машғулотни ташкил қилишда тарбиячининг касбий позицияси боланинг муҳокама қилинаётган мавзу мазмуни бўйича ҳар қандай қарашига онгли равишда ҳурмат билан муносабатда бўлишдан иборат.

Биз педагоглар бола билан тенг мулоқотда қандай йўл тутиш ҳақида ўйлашимиз керак. Фақат бу ҳолатда, болалар катталар томонидан "эшитилиши" учун ҳаракат қилишини унутмаган ҳолда, уларнинг жавобларига нисбатан "хато", "нотўғри", "мумкин эмас" каби қатъий таъқиқлардан ўзимизни тийишимиз муҳим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Турдиева М.Ж. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ижодий қобилият ларини ривожлантиришнинг инновацион методлари. Методик қўлланма. Бухоро.2021
2. Erxonova N.A, Ro'ziyeva Z. Tarbiyachi kitobi. Didaktik o'yinlar. DAVR PRESS» Toshkent. 2019
3. Турдиева М. Д. ИННОВАЦИОННЫЙ ПОДХОД К ДОШКОЛЬНОМУ ОБРАЗОВАНИЮ //Проблемы науки. – 2021.

ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ В СОВРЕМЕННОМ УЗБЕКИСТАНЕ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

Сидикова Дильноза Баходировна

Атаева Шахло Баходировна

студентки 2 курса, факультет Дошкольного образования БухГУ

Научный руководитель: Гафурова Д.Х.

Аннотация: в статье рассматриваются вопросы касаемые развития дошкольного образования. Кроме этого, в статье речь идет о качестве образования в ДООУ, от которого зависит очень многое, поэтому дошкольное образование сейчас рассматривается как важнейший фактор. А также указаны ряд проблем в системе дошкольного образования.

Ключевые слова: дошкольное образование, начальное образование, проблемы, концепция, постановления, обучение, система, приоритеты.

Annotation: the article deals with issues related to the development of preschool education. In addition, the article deals with the quality of education in preschool educational institutions, on which a lot depends, so preschool education is now considered as the most important factor. A number of problems in the system of preschool education are also indicated.

Keywords: preschool education, primary education, problems, concept, regulations, training, system, priorities

Annotatsiya: maqolada maktabgacha ta'limni rivojlantirish bilan bog'liq masalalar ko'rib chiqiladi. Bundan tashqari, maqolada ko'p narsa bog'liq bo'lgan maktabgacha ta'lim muassasalarida ta'lim sifati haqida gap boradi, shuning uchun maktabgacha ta'lim hozirda eng muhim omil sifatida qaralmoqda. Maktabgacha ta'lim tizimidagi qator muammolar ham ko'rsatilgan.

Kalit so'zlar: maktabgacha ta'lim, boshlang'ich ta'lim, muammolar, konsepsiya, qoidalar, kadrlar tayyorlash, tizim, ustuvor yo'nalishlar

Inomova Mahliyo Yusuf qizi, Ermatova Mamlakat Qodirqulovna. МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ TASHKILOTLARIDA TARBIYALANUVCHILARI TAFAKKURINI SHAKLLANTIRISHNING SAMARALI METODLARI.....	161
Отамуродова Ситора Султонмурод кизи. БАРМОҚ ЎЙИНЛАРИ БОЛА НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ВОСИТА СИФАТИДА.....	163
Xaydarova Shaxlo Narzullayevna. МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALARDA KREATIVLIK QOBILİYATLARINI RIVOJLANTIRISH MEХANIZMLARI	165
Haydarova Madina G’ulom qizi. МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALARNING IJODIY QOBILİYATLARINI RIVOJLANTIRISH OMILLARI.....	167
Qodirova Fotima. МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ TASHKILOTLARIDA JISMONIY TARBIYA MASHG’ULOTLARINI TASHKIL ETISH VA O’TKAZISHDA TA’LIMIY METODLARNI QO’LLASH.....	168
G.E.Rahmonova. OILADA VOLA TARBIYASIDA MILLIY AN’ANALARDAN FOYDALANISH.....	171
C.И.Холматова. МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АХБОРОТ ТА’ЛИМ РЕСРУСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	173
D.Sh.Qurbonova. Maktabgacha yoshdagi bolalarda muloqot kompetensiyalarini shakllantirish usullari	174
S.A.Rahimova. МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ TASHKILOTLARIDA MASHG’ULOTLARNI TASHKIL ETISH SHAKLLARI.....	176
Amonova Muqaddam Shukurovna, Otamurodova Roza. BOLALARNING NUTQINI RIVOJLANTIRISH UCHUN ILG’OR TECHNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH.....	178
Сафарова Нигора Охунжоновна, Ибрагимова Захро Алишеровна. МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ БОЛАЛАРИДА ЛАТИФАЛАР АСОСИДА ШАКЛЛАНГАН ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИНИ ЎРГАТИШ.....	179
To’rayeva Charosxon. RAQAMLI AXBOROT DAVRIDA МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ YOSHIDAGI BOLALARGA TA’LIM-TARBIYA BERISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI	181
N.T.Tosheva, Raxmatova Gulnoza. МАКТАБГАЧА TA’LIMDA RAQAMLI TECHNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI.....	182
G.T.Boymurodova, N.Z.Qodirova. O’QUV-TARBIYA JARAYONINI SAMARALI TASHKIL ETISHNING PEDGOGIK IMKONIYATLARI.....	184
G.T.Yadgarova. МАКТАБГАЧА TA’LIMGA ZAMONAVIY PEDAGOGIK YONDASHUVNING AFZALLIKLARI	186
Ситора Давроновна Ниязова, Мирходжаева Наргиза. УГОЛОК ПРИРОДЫ КАК ЧАСТЬ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ РАЗВИВАЮЩЕЙ СРЕДЫ ДЕТСКОГО САДА.....	188
Турдиева Мохира Жўракуловна, Шаропова Рушана Расул кизи. МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА МАШҒУЛОТ –АСОСИЙ ТА’ЛИМ ШАКЛИ СИФАТИДА.....	190
Сидикова Дильноза Баходировна, Атаева Шахло Баходировна, Гафурова Д.Х. ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ В СОВРЕМЕННОМ УЗБЕКИСТАНЕ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ	192
Nasimova Nasiba Qurbon qizi, Yuldasheva Munisa. MTTDA TASHKIL ETILGAN TECHNOLOGIYALAR ASOSIDAGI FAOLIYATLAR MAZMUNI	194
Yusupova Aziza Nodirjon qizi. МАКТАБГАЧА TARBIYA YOSHIDAGI BOLALARNING INTELLEKTUAL SALOHİYATINI RIVOJLANTIRISHDA INNOVATSION TECHNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH.....	195
Sidiqova Yulduz Sobirovna. O’YINLAR VOSITASIDA VOLA NUTQINI RIVOJLANTIRISHNING SAMARALI YO’LLARI	197
Sidiqova Yulduz Sobirovna. МАКТАБГАЧА TA’LIM YOSHIDAGI BOLALAR NUTQINI RIVOJLANTIRISH IMKONIYATLARI	199
Sh.Sh.Murodova, N.Z.Qodirova. МАКТАБГАЧА TA’LIM JARAYONIDA SOG’LOM VA BARKAMOL AVLODNI TARBIYALASH YOSHLARNING O’Z IJODIY VA INTELLEKTUAL SALOHİYATINI RO’YOBGA CHIQRISH.....	200
Karimova Ozoda, Rajabova L.Ch. МАКТАБГАЧА TALIM TASHKILOTILARIDA HARAKATLI O’YINLARNI TASHKIL ETISH MAZMUNI.....	202

2 SHO’BA. МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ VA O’RTA UMUMTA’LIM МАКТАВ

НАМКORЛИГИ, O’ZARO INTEGRATSIYADAGI YUTUQ VA MUAMMOLAR..... 204

Азимов Юнус Юсупович, Юсуфзода Шабнами Юнус. МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ МУАССАСАЛАРИ ВА БОШЛАНҒИЧ ТА’ЛИМНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ.....	204
---	-----